НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 30-yanvar, payshanba, 13 (23.293)-son

Кун ҳикмати

Кайфияти ёмонлиги учун бошқалар кайфиятини бузиш нодонликдир

АҚШ элчиси Самарқандда

28 январь куни Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дэниэл Розенблюм вилоятимизга ташриф буюрди.

Элчи дастлаб вилоят ҳокимлигига ташриф буюриб, вилоят ҳокими Э.Турдимов билан учрашди.

Шундан сўнг Дэниэл Розенблюм Пайариқ туманидаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида бўлиб, ушбу муассаса фаолияти, бу ердаги музей билан танишди.

АҚШ элчиси марказ музейида Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий изланишлари ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар, ноёб тарихий экспонатлар ва илмий манбаларни катта қизиқиш билан томоша қилди. Меҳмонга халқаро марказ ва АҚШ Тинчлик институти ҳамкорлигида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Дэниэл Розенблюм марказнинг замонавий ва миллий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этгани, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлангани, энг муҳими, маърифатли ислом ғояларини тарғиб этишда қатор ютуқларни қўлга киритаётгани катта таассурот уйғотганини таъкидлади.

Самарқандлик журналист ва блогерлар билан бирга тушлик қилган АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси Ўзбекистондаги очиқлик сиёсати, хусусан, жамоатчилик назорати ўрнатилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни хусусида уларнинг фикрлари билан қизиқди. Дэниэл Розенблюм Самарқанд давлат чет тиллар институтида ҳам бўлди.

Ғ.ҲАСАНОВ.

Самарқандда Иккинчи жаҳон уруши даврида юз берган тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли киноасарни суратга олиш ишлари бошланди.

Амерсфорт концлагеридаги ўзбек асирлари

ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм суратга олинмоқда

Мазкур фильм 1941 йилда Смоленск остонасида асир тушган ва Голландиянинг Амерсфорт концлагерига жўнатилган 101 нафар ўзбек ўғлони ҳақида ҳикоя қилади. Йигитларни нацистларнинг ғоявий раҳнамоларидан бири Геббельснинг шахсий топшириғига биноан, фашист аскарлари "ёввойи халқлар" билан қандай курашаётгани ҳақидаги тарғибот фильмини суратга олиш учун тайёрлашади. Гитлернинг Совет иттифоқини яшин тезлигида босиб олишга қаратилган режаси барбод бўлгач, ушбу асар аскарларнинг тушкун руҳини кўтариши, рақибларнинг "қанчалик ночор ва инсонийликдан йироқ" эканини кўрсатиши лозим эди.

Ана шу мақсадда нацистлар 101 нафар ўзбекистонлик асирни танлаб олишади ва уларга маълум вақт мобайнида овқат беришмайди. Суратга олиш гуруҳи етиб келганида, очликдан силласи қуриган ўзбек асирларининг олдига битта буханкани ирғитишади. Уларнинг назарида асирлар бир бурда нон учун бир-бирини ғажишга тайёр туриши керак эди. Аммо, ҳаммаси бошқача тус олади.

Ўзбеклар шарқона одатга кўра, нонни тенг бўлакларга тақсимлаб, бир-бирларига узатишади. Фашистлар бундан ғазабга минишади, асирларни роса тепкилашиб, кейин отиб ташлашади. Шу тариқа Геббельснинг ваҳшиёна режаси йўққа чиқади.

Суратга олинаётган фильмнинг асосий ғояси ана шу тарихий факт ёрдамида ўзбек халқининг мардлиги, тантилиги, бағрикенглигини кўрсатишдан иборат. Бу тарихий воқеани голландиялик журналист Ремко Рейдинг 20 йилдан бери тадқиқ қилиб келади. У айни пайтда Ўзбекистонга ташриф буюриб, инсонпарварлик ва қаҳрамонликни тасвирловчи ушбу киноасарни суратга олиш жараёнида иштирок этмоқда.

Амерсфорт лагерида ҳалок бўлган 101 йигит фронтга Самарқанд вилоятидан боргани тахмин қилинмоқда. Шу боис, лойиҳа «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан голландиялик кинематографлар билан ҳамкорликда, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг молиявий кўмагида амалга оширилмоқда.

– Лойиҳанинг бош мақсади урушнинг асл қаҳрамонлари хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатишдан иборат, – деди голландиялик журналист Ремко Рейдинг. – Ҳамкорликдаги изланишларимиз натижасида ушбу қаҳрамон жангчиларнинг номлари тикланиши ва уларнинг яқинлари топилишига астойдил умид қиламиз.

Р.ЖАББОРОВ.

30 январь – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуд топган кун

«Ислом Каримов: улкан тарихий даврни мужассам этган инсон»

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом Каримов Фонди ҳамкорлигида «Ислом Каримов: улкан тарихий даврни мужассам этган инсон» деб номланган китоб-альбом нашр этилди.

Мазкур китоб Биринчи Президентимизнинг шахсий фотографи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фарҳод Қурбонбоев ва фоторассом Темур Қурбонбоевнинг суратлари асосида яратилган.

Фотосуратлар ўз мамлакатининг тарихини ўзгартирган, одамларни мустақилликка олиб келган ва янги давлат пойдеворини яратган улкан Инсон ҳақида ҳикоя қилади. Суратлар мустақилликка эришиш ва мустаҳкамлаш вақти, Ислом Каримов даврини акс эттиради. Фотосуратларга изоҳ ёки таъриф берилмаганига қарамай, фотоальбом-китоб Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти номи билан чамбарчас боғлиқ бўлган даврни аниқ тасвирлайди.

Ислом Абдуғаниевични "сиёсатнинг метин қояси" деб таърифлашар эди

Мен мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб салкам йигирма йил давомида Германия, Ҳиндистон, Россия, АҚШ каби давлатларда элчи, шунингдек, Ташқи ишлар вазири ўринбосари, биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият юритганман, шу билан бирга Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ)даги миллий мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажарганман.

Ўша пайтларда хизмат вазифамга кўра, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг МДҲ, ШҲТ, Евроосиё иқтисодий иттифоқи саммитларидаги иштироки, шунингдек, хорижий сафарлари бўйича тайёргарлик ишларини олиб боришимга тўғри келган.

МДҲ минтақасида Ислом Каримов тажрибали, узоқни кўра биладиган ва прагматик сиёсатдон сифатида улкан обрў қозонган эдилар. Ўзаро суҳбатларда у кишини "сиёсатнинг метин қояси" деб таърифлашар эди. У кишини биринчи галда ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишдаги саботу қатъияти боис ҳурмат қилишар эди. У киши дунёда рўй бераётган ҳодисалар юзасидан ҳеч қачон популистик баёнотлар бермаган, сиёсий ўйин қилмаган. Бошқаларга ёқадими, йўқми – бундан қатъи назар, ҳамиша, энг аввало, Ўзбекистон манфаатларидан келиб чиқиб ўз фикрларини билдирганлар. Ислом Абдуғаниевич сўз бердими, албатта унинг устидан нчиқади – буни барча яхши билар эди.

МДҲнинг норасмий саммитларида, гарчи нотиқлар навбати алифбо тартибига кўра белгиланса-да, Ислом Абдуғаниевичга биринчи бўлиб сўз берилар эди. Бу борада Ўзбекистон етакчисига юксак ҳурматдан далолат берувчи бир воқеа ёдимда қолган. 2001 йил 30 ноябрда Кремлнинг Георгий залида Россия Федерацияси Президенти номидан МДҲнинг 10 йиллиги муносабати билан қабул маросими ташкил этилди. Маросимда Россиянинг Биринчи Президенти Борис Ельцин ҳам қатнашди. Владимир Путин Ислом Каримов шаънига илиқ сўзлар айтиб, у кишидан биринчи бўлиб сўзга чиқишни сўради. Ислом Абдуғаниевич юксак одоб намунасини кўрсатиб, ҳамкасблар орасида у кишидан ёши улуғ президентлар ҳам борлигини айтди. Аммо бу пайтда МДҲнинг бошқа етакчилари гулдурос қарсаклар ила Россия раҳбарининг таклифини қўллаб-қувватлаётган эди.

Ислом Абдуғаниевич минтақавий бирлашмалар доирасида муҳокама этилган масалаларда қатъий позицияга эга бўлганларини алоҳида қайд этиш жоиз. Зеро, кўплаб экспертлар Ўзбекистон етакчисининг позицияси туфайли МДҲ, ШҲТ каби минтақавий ташкилотлар мунозаралар клубига айланиб қолмади, сиёсийлашиб кетмади, дея таъкидлаши ҳам бежиз эмас. Айнан Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан ШҲТ Низомига ушбу таъриф киритилган эди: "ШҲТ – бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан мулоқот учун очиқ ташкилотдир. ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик учинчи мамлакатлар манфаатига қарши қаратилмаган".

Илҳом НЕЪМАТОВ.

Матбуот анжумани

Вилоят Матбуот уйида вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати, вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги матбуот анжуманида вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Жамшид Ўроқов иштирок этди.

Самарқандда 20 қаватли IT-Park бунёд этилади

Унда 2019 йилда вилоятда иқтисодиётни, тадбиркорликни ривожлантириш якунлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишлар ҳамда 2020 йил учун белгиланган вазифалар хусусида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, 2019 йил вилоятда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида 40 та лойиҳа бўйича 20 та корхонада 587,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 876 та янги иш ўрни яратилди. 2018 йилга нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми 2,6 мартага кўпайди.

- 2020-2022 йилларда вилоятни комплекс ривожлантириш дастури асосида 889 та лойиҳа амалга оширилади, - деди Ж.Ўроқов. - Бунинг натижасида 15 минг 227 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 2020 йилда ёшларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширалади. Жумладан, ёшлар учун IT-Park ташкил этилади. Бунинг учун 20 қаватли бино қурилиши режалаштирилган. Бу ерда 300 нафар ёшларнинг дастурлар яратиш билан шуғулланиши учун барча шароит яратилади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Нархи баланд, самараси юқори

Жомбой туманидаги «Жомбой дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида янги тегирмон цехи фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Узоқов иштирок этди.

– Ушбу замонавий тегирмонни 1 миллион 400 минг АҚШ долларига Туркиядан олиб келиб ўрнатдик, – дейди жамият технологи Толиб Акбаров. – Янги технология кунига 300 тонна буғдойни қайта ишлаб, 225 тонна сифатли ун олиш имконини беради. Электр энергияси сарфи 35 фоизга камаяди.

Шунингдек, тадбирда «Жомбой дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти томонидан корхонада меҳнат қилаётган бир гуруҳ ишчи-ходимларнинг 15 нафар фарзандини суннат тўйлари ўтказилди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Мурожаатнома – халқимизни юксак манзилларга руҳлантирувчи даъват

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ўзининг мазмуни, кўламдорлиги, танқидий-таҳлилга бойлиги, кишиларга жўшқинлик, кўтаринки кайфият бағишлайдиган дадил ва аниқ келажак режаларни баён этиб бериши билан ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта воқеликка айланди. Мурожаатнома раҳбарлардан тортиб мутахассис-у оддий одамларни янгича ишлаш, яшаш, изланишга даъват этди.

Шавкат ЖАЛОЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, "Agromir group" директорлар ассоциацияси Кенгаши раиси:

- Мурожаатноманинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ қисми нафақат соҳа раҳбарлари, балки деҳқонлар, қайта ишловчиларга ҳам ўз фаолиятига ижодий ёндашишни талаб этади. Айниқса, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасидан воз кечилаётган бир пайтда экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни ўрганишимиз зарур.

Бу борада деҳқонларга давлат томонидан молиявий ёрдам берилаётгани жуда муҳим. Мисол учун, бу йил 2 миллион долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баравар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Бу соҳада тўлиқ кластер тизими яратилади, «Кооперация ва кластерлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинади.

Мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агрологистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари учун бир йилда давлат 3 триллион сўм маблағ ажратяпти. Сувни тежаш технологияларини жорий этиш учун эса 300 миллиард сўм субсидия берилади.

Мутахассис сифатида айтаманки, бу ёрдам деҳқонлар учун жуда катта мадад. Бу имкониятдан оқилона фойдаланиш зарур. Энг муҳими, соҳа ходимлари масъулияти ва малакасини ошириш, замонавий кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, жаҳоннинг тармоқдаги энг илғор компаниялари билан ҳамкорликни ўрнатиш керак.

2-саҳифа »»

НОШИР ЛИНОС АХОЛИ

ОДАМНИНГ ОРИ БЎЛСИН

2020 МУРОЖААТНОМА

Ўзбекистонда Камбағалликни камайтириш дастури ишлаб чиқилади.

Камбағалликнинг олдини олиш, одамларни тадбиркорлик қилиши, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш учун 700 миллион доллар жалб қилинади.

Мурожаатнома – халқимизни юксак манзилларга руҳлантирувчи даъват

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жумладан, биз кейинги икки йилда маҳсулот экспортини 30 фоизга оширдик. 33 хил қайта ишланган, қадоқланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Россия, Ҳиндистон, Хитой ва қўшни давлатларга экспорт қиляпмиз. Бундан ташқари, боғдорчилик ассоциацияси туздик. Ассоциацияда АҚШдан мутахассис чақириб, соҳада катта тажриба орттирган 50 нафар деҳқон замонавий кластер тизими ва технологик жараёнларни ўзлаштириш учун ўқитилди. Улар ўрганганлари асосида ҳозирда жойларда боғбонларга тушунча беряпти.

Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори:

- "Ғарбда – Рим, Шарқда – Самарқанд", деган нақл "Рўйи замин сайқали" бўлган бу шаҳар фақат кўплаб йирик давлатлар пойтахти бўлганинигина англатмайди. Бу таъриф Самарқанд кўплаб ҳукмдорлар орзусидаги пойтахт, шу билан бирга, улуғ аллома ва мутафаккирларни етиштирган, уларнинг хоки пойи учун муқим маконга айланган замин бўлганини ҳам ифода этади.

Жорий йил ўтказиладиган "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусидаги халқаро анжуманга мезбонлик айнан Самарқандга белгиланганида ҳам ушбу шаҳарнинг жаҳон илми ва тарихида ўзининг мумтоз ўрнига эгалиги ва мусулмон маданияти дурдоналаридан бири эканига, унинг қадимда аҳолиси ва меҳмонлари қолдирган меросининг беқиёслигига ишора намоён бўлади.

Умуман, бугунги кунда юртимиздаги турли илмий-тадқиқот марказлари, қўлёзма фондлари, музей ва кутубхоналарида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзма ва тошбосма асарларни сифатли сақлаш ва кенг тадқиқ этиш керак.

Самарқанд туманидаги "Конигил мерос" хусусий корхонасида тут дарахти новдалари пўстлоғидан Самарқанд қоғози тайёрланади. Бу қадимий қоғознинг тайёрланиш жараёни ўзига хос. Ҳар бир иш қўл меҳнати билан бажарилади. Бугунги кунда корхона сайёҳларни ўзига жалб этиб келаётган туристик объектга айланган: қадимий Самарқанд қоғози тайёрланиш жараёнларини кузатишга нафақат маҳаллий сайёҳларнинг, балки хорижликларнинг ҳам қизиқиши ортиб бормоқда.

- Айни пайтда вилоятимиз туман ва шаҳарларида 2500 га яқин ҳунарманд 34 йўналиш бўйича меҳнат қилмоқда, - дейди "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Умид Ҳакимов. - Улар "Устоз-шогирд" анъанасини йўлга қўйиб, 4400 дан ортиқ шогирд тайёрламоқда. Ана шундай уста ҳунармандлардан бири Зариф Мухторовдир. У раҳбарлик қилаётган корхонада 10 дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланган.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган қоғоздан ўйинчоқлар, ён дафтарча, кийим, ниқоб, аёллар учун халтача (сумка) каби эсдалик учун турли совғалар тайёрланмоқда.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

Узоқ йилдан сўнгги иқрор:

Юртимизда қанча камбағал аҳоли бор?

Камбағалман, дейиш учун ичимиздаги жуда кўп туйғуларни енгишимизга тўғри келади. Бу ориятданми, ғуруردанми, ишқилиб, нимадан бўлса-да, ўзбек халқи камбағалман деган сўзни осонликча айтмайди. Бугун ундай эмас, ана, халқ қабулхонасига боринг, сайёр қабулларни кўринг, ижтимоий тармоқларни кузатинг, қанчаси уй сўраб, шароити оғирлигини рўкач қилаётир, дейишингиз мумкин. Мен ҳам шу ҳақда ўйладим. Лекин уларнинг бирортаси мен камбағалман, қашшоқман, демайди. Эҳтимол, шунинг учун бу сўз узоқ йиллар катта давраларда айтилмади. Камбағал аҳоли борлиги ва бу бўйича аниқ ишлаш кераклиги деярли тилга олинмади.

Тилга олинмагани, бизнинг онгимизга сингмагани демакдир. Аммо айтилмагани, муаммонинг йўқлигидан дарак бермайди. Бордирки, халқаро ташкилотлар инсонпарварлик ёрдами сифатида баъзи кўмакларни амалга оширмоқда.

Яқинда шундай ташкилотлардан бири соғлиқни сақлаш тизимида катта бир акция ўтказди. Хориждан келган ташкилотчилар билан суҳбатлашаман:

– Ушбу инсонпарварлик акциясини шу пайтга қадар яна қайси давлатларда ўтказгансиз?

- Асосан Африка давлатларида. Энди Ўрта Осиё мамлакатларида ўтказишни бошладик, - деб жавоб беради улар.

Юрагим шиғиллаб кетди. Менам ўша, камбағалман, дейишга ор қиладиган халқнинг бир вакилиман, ахир. Ўшанда ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда «наҳотки», дея ишончсизлик пайдо бўларди ҳар сафар. Ҳатто қуйидаги каби хабарларни ўқиганимда ҳам кўнглимда яхши томонга умид кўпроқ бўларди:

«БМТ Тараққиёт дастури навбатдаги Инсон тараққиёти индексини эълон қилди.

Бу йилги рейтингда илк уч ўринни Норвегия, Швейцария ва Ирландия эгаллади. Ҳаёт даражаси энг ёмон деб топилган уч мамлакат Чад, Марказий Африка Республикаси ва Нигерия бўлди.

Ўзбекистонга эса Туркманистон билан битта – 108-ўрин раво кўрилди. Қолган қўшни давлатларнинг ўринлари қуйидагича: Қозоғистон – 50, Қирғизистон – 122, Тожикистон – 125, Афғонистон – 170».

Ушбу факт 2019 йил сўнгидаги маълумотлар. Ҳақиқий ҳолатни таҳлил қилишга барибир нимадир изн бермайди. Атрофга қараймиз, одамлар ёмон яшаётгани йўқ-ку, ахир! Ўзбекистоннинг 90 фоиз аҳолисининг уйи бор, шу энг катта бойлик-ку, мактаб бепул, соғлиқни сақлаш бепул ва ҳоказо, каби таскиннамо фикрлар бўй кўрсатади. Аммо

шаҳардан 30 километр нарига чиқсак, бошқача воқелик намоён бўлади. Яшаш учун оддийгина, зарур бўлган воситаларга эҳтиёжнинг йўқлиги, одамлар онгида аллақачон яхши яшаш учун албатта қаёққадир кетиш керак, деган тушунчанинг шаклланганги. Сал жиддийроқ хасталикни даволаш ҳам оила бюджетига катта таъсир кўрсатиши... Сувни ташиб, сотиб олиб ичаётган оилалар...

Узоққа бормайлик, яқиндагина содир бўлган воқеа ҳеч хаёлимдан кетмайди. Бир эркак киши жуда кўп идораларга қатнаб юрди, ўша пайтлари уч эгизак фарзандли бўлганди у. Табиийки, уч фарзанд учун бир онанинг сути етмайди. Унинг эса рафиқаси фарзандларини дунёга келтиргач, бу олам билан видолашганди. «Бола озиқасига қийналяпман, ёрдам беришнинг иложи йўқмикан?», деган мазмунда кўп жойларга мурожаат қилди. Амалдорларнинг энсаси қотди: «Ўл, эркак бўлмай, боланинг кашаси учун пул сўрашга уялмадингми?» мазмунида бир-бирига маъноли қараш қилди. Бола «каша»сининг нархи билан у эрта-ю кеч ишлаб топаётган маоши ўртасида номувофиқлик ҳақида ўйлаб кўришга эҳтимол, уларнинг ҳам ғурури йўл қўймагандир.

10-12 фоиз аҳолининг камбағал эканлиги кичик рақам эмас. У билан қарши курашиш бевосита иқтисодиётни мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Одамларда тадбирлилик кўникмасини шакллантириш, кези келганда тадбирли кишиларни, аравасини тортишда қийналаётган ҳудудларга жой бериб жўнатиш каби амалларни кўпайтириш яхши натижа бўлса керак. Бундай амалиётнинг вилоятимизда қўлланилгани ва мутасаддиларнинг айтишларига қараганда яхши натижа бераётгани ҳам бор гап. Яъни ургутлик тадбиркорлар учун Нуробод туманидан ер ажратилгани қайсидир маънода шу туман салоҳиятини яхшилашга қаратилган қадам сифатида баҳолаш мумкин. Катта иқтисодиёт ҳақидаги бундай тажрибаларни кўплаб мисол келтириш мумкин. Гап оддий инсонларнинг турмуш тарзини яхшилаш ҳақида кетар экан, бундан бошқа, индивидуал ёндашувли режаларни кутиб қоламиз, албатта.

Дарвоқе, ғурур ҳақида... Камбағалликни тан олиш ва имкон борича унга қарши ҳаракат қилиш кераклиги юксак минбардан айтилгани, муаммога очиқ-ойдин қаранглар, дегандай туюлди. Модомики, камбағалликни айтишга ғурур изн бермас экан, у қашшоқликка қарши курашишга чоғласин. Муҳими, ғурур ҳаракатга, ҳаракат эса ғурурга тушов бўлмаса бўлгани.

Гулруҳ МЎМИНОВА.

Ажралишларга совчилар ҳам сабабчи(ми)?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги, шу билан бир қаторда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланиб тузилиши белгилаб қўйилган.

Бу қонун нормаси тўлиқ амал қилиб келинаётган бўлса-да, лекин бугунги кунга келиб ажримлар кўпаяётгани, энг ачинарлиси бу ҳолат никоҳ тузилгандан сўнг илк йилларда содир этилаётганлиги ташвишли ҳолдир.

2019 йилда суд идораларига никоҳни бекор қилиш ҳақида 5452 та ариза келиб тушган. 2978 та ариза қаноатлантирилган, 1957 таси рад этилган, 275 та ариза юзасидан иш юритиш тугатилган.

Келиб тушаётган аризаларнинг аксариятида томонлар (эр-хотин) никоҳни бекор қилиш учун асос тариқасида характерлари тўғри келмаганлиги, қайнона-келин муносабатларидаги зиддиятларни важ қилиб кўрсатишмоқда. Хўш, бу ҳолатларда ким айбдор? Ёки ушбу ҳолатлар никоҳни бекор қилишга асос бўладими? Нима учун бу масалалар катталар - қудалар ўртасида муҳокама қилинмайди? Келин-куёв ўртасидаги муносабатлардан ўрталарига совуқчилик тушган қудалар четда турган бир вақтда ушбу оиланинг тузилишига асосий сабабчи бўлган ва ҳар икки томон учун ҳам бир умрлик кафилликни ўз зиммаларига олган совчилар, никоҳнинг қонунийлигини тасдиқлашда иштирок этган куёв жўра ва келин дугоналар негадир четда қолишмоқда. Бузилаётган никоҳни асраб қолишда айнан шу шахсларнинг иштироки ва кафолати зарур. Бугунги кунда совчиларнинг ҳам масъулиятини ошириш талаб этилади. Ҳар қандай никоҳни бекор қилиш ҳақидаги ариза берилишидан олдин эр-хотин ўртасидаги муносабатлар маҳаллада совчи ва куёв жўра ҳамда келин дугоналар иштирокида муҳокама қилиниши, пайдо бўлган зиддиятлар оилада ҳал этилиши лозим. Совчилик масаласи ҳам маҳалланинг назоратида ёки маҳалла оқсоқоллари ва отинойиларнинг ризолиги билан амалга оширилиши оилалар мустаҳкамлигига асос бўлади.

Икром ҚУРБОНБОЕВ,
Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги судьялар олий мактаби тингловчиси.

Вилоятимиз деҳқонлари жорий йилда 75 минг 580 гектар майдонга ғўзанинг иқлим шароитига мос ва эртапишар «Султон», «Бухоро-102», «Омад», «С-8286», «Порлоқ-1» навларини экишни мўлжалламоқда.

Фермерлар учун сифатли уруғлик тайёр

- Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги "2020 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ушбу муҳим агротехник тадбир инспекциямиз мутахассислари томонидан назорат қилинмоқда, - дейди Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси бошлиғи Н.Турсунов. - Суғурта уруғлик фондини ҳисобга олган ҳолда 8300 тонна уруғлик чигити тозаланмоқда ва сараланмоқда, 50 тонна чигит туксизлантирилмоқда, 5600 тонна уруғлик дориланмоқда. Бу агротехник тадбирлар «Митан», «Иттифоқ» ҳамда Мели Қўчқоров номли уруғлик чигитни тайёрлаш цехларида амалга оширилмоқда.

Абдували ХУДОЁРОВ.

Касаба уюшмалари фаолиятига аралашиб бўлмайди

"Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонун 2019 йил 6 декабрда Президентимиз томонидан имзоланиб, 3 ойдан сўнг кучга кириши белгиланди.

Таъкидлаш ўринлики, шу пайтгача амалда бўлган "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун 1992 йил 2 июлда, яъни бундан 27 йил илгари қабул қилинган бўлиб, унга 2001 йил 7 декабрда ва 2016 йил 28 ноябрда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Мазкур қонун асосан декларатив характерда бўлиб, унда аниқ, тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳуқуқий нормалар деярли келтирилмаган эди.

Янги қонун эса бир қатор аниқ, тўғридан-тўғри амал қиладиган нормаларни ўз ичига олган. Хусусан, аввалги қонуннинг 2-моддаси 2-қисмида "Ходимлар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, якка тартибдаги тадбиркорлик ва ўзга меҳнат фаолиятини амалга ошираётган бошқа иш жойларида камида уч нафар ходимнинг ташаббуси билан касаба уюшмаларини тузишга ҳақли" деб белгилаб қўйилган эди. Бу бир корхона ёки ўқув муассасасида ишлаётган, таълим олаётган шахслар бирлашиб касаба уюшмаси тузиш мумкинлигини англатган ҳолда, бир неча корхоналарда, аниқроғи, бир неча иш берувчиларда ишлаётган шахсларга ўзаро бирлашиб касаба уюшмаси тузиш ҳуқуқини бермас эди.

Янги Қонуннинг 19-моддаси 2-қисмида "Касаба уюшмалари бир ёки бир нечта ташкилот ходимларининг ташаббусига кўра ташкил этилади", деб белгилаб қўйилди. Бу билан Халқаро меҳнат ташкилотининг "Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 87-конвенциясининг нормаси имплементация қилиниб, нафақат битта ташкилотда ишлаётганлар, балки бир неча ташкилотда ишлаётган ходимларга ҳам ўзаро бирлашиб касаба уюшмасини тузиш имкони берилди.

Умуман, янги қонун фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга ошириш, касаба уюшмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Шунингдек, қонун давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди. Касаба уюшмаларининг фаолиятига аралашишга, уларнинг фаолияти тўғрисида бирор-бир ҳужжат тақдим этишни талаб қилишга, касаба уюшмаларининг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, қонунда касаба уюшмалари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмаларининг мулк ҳуқуқи кафолатлари, касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимлар учун кафолатлар, касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимлар учун кафолатлар, касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун меҳнатга оид қўшимча кафолатлар назарда тутилган.

Қонун ходимлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда касаба уюшмалари учун қулай шарт-шароит ва кафолатлар яратишга, касаба уюшмаларининг иш берувчилар, давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ғ.РУСТАМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси.

Ёшлар ғайрат ва шижоатли

фақат уларга эътибор ва кўмак зарур

Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Азиз Насимов жомбойлик ёшлар билан учрашди.

Унда туманнинг Гулистон, Мойличуқур, Самарқанд, Аҳмаджон Қурбонов номли, Тошкент маҳаллаларида яшовчи ёшлар ҳамда Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этди.

- Коллежда уч йил давомида тикувчилик ва бу борада фаолият юритиш учун назарий билимларга эга бўлдим, - дейди Гулистон маҳалласида яшовчи Маржона Турсунова. – Энди маҳалламизда тикувчилик цехи ташкил этиб, ўн нафар тенгдошимни иш билан таъминламоқчиман. Аммо етарли сармоям йўқ. Қаердан, кимдан кўмак олсам бўлади?

- Бу йил коллежни битираман, олий ўқув юртида ўқишни давом эттирмоқчиман, - дейди Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Рўшана Ўсарова. – Жорий ўқув йилида институтга ҳужжат топшириш ва абитуриентлар учун бошқа имкониятлар бериляпти, деб эшитдик. Бу ҳақда батафсил маълумот бера оласизми?

А.Насимов тадбиркор бўлишни истаган ёшларга "Ёшлар — келажагимиз" дастури асосида кам фоизли кредитлар берилаётгани, абитуриентлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида тушунча берди. Шунингдек, бошқарма бошлиғи Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежида абитуриентлар учун яратилаётган имконият ва имтиёзларни онлайн тарзда бериб борадиган электрон доска ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳозирда дунё бўйича 5 ёшгача бўлган болалар орасида ортиқча тана вазн ва семириш билан касалланганлар сони 44 миллионга етган.

Болалар семизлиги эркалик эмас - касаллик

Мамлакатимизда ҳам 2012-2014 йилларда катта ёшдаги одамлар орасида семизлик 31-34 фоиз, болалар ўртасида эса 50-66 фоизни ташкил этган.

Бутун дунёда болалар ва ўсмирлар ўртасида ортиқча тана вазн ва семизликнинг эпидемик ортиб бориши, педиатрлар ва эндокринологлар томонидан бу муаммога жиддий ёндошишни талаб этади. Семизликдан азият чекаётган қарийб 60 фоиз катта ёшдаги одамларда семизлик билан боғлиқ муаммолар болалик ва ўсмирлик даврларида юзага келган. Болаларда семизликнинг прогрессив ўсиб бориши келажакда юрак-қон томир, эндокрин, ҳазм қилиш, таянч харакат тизим касалликларига, репродуктив, метаболик бузилишларга олиб келади.

Кўпчилик болаларда ортиқча тана вазн ва семизлик кам ҳаракатли ҳаёт тарзи билан боғлиқ (кундалик ҳаётида кўп ҳаракат талаб этадиган ўйинларнинг йўқлиги, спорт билан шуғулланмаслик, жисмоний тарбия дарсларига мунтазам қатнашмаслик ва ҳоказо), кўп вақтини телевизор ва компьютер олдида ўтказиш кабилар кам ҳаракатлиликка сабаб бўлади. Баъзида генетик, жиддий касалликлар ҳам семизлик билан бирга кечади. Шунингдек, ортиқча вазнга эга бўлишда эмоционал зўриқиш билан боғлиқ омиллар ҳам сабабчи бўлиши мумкин: боланинг мактабга чиқиши, оиладаги бахтсиз ҳодиса, бирор бир қариндошининг ўлими кабилар.

Семизлиги бор болаларда қуйидаги касалликлар эрта ривожланади: атеросклероз, гипертония касаллиги, стенокардия, 2-тип қандли диабет ва ҳоказо. Шунингдек, болаларда ортиқча вазн оқибатида суяк-мушак аппаратида зўриқишнинг ошиши оқибатида қоматнинг бузилиши, сколиоз, артроз, оёқларнинг деформацияси, ясси оёқлик юзага келиши мумкин. Ўсмирлар семизлиги кўпинча депрессияга, тенгқурлари орасида кулгига қолишга, ижтимоий яккаланишига, девиант феъл-атворга сабаб бўлади. Ёшликдан семизлик билан азият чекаётган аёл ва эркакларда бепуштлик хавфи юқори бўлади.

Болалар орасида семизликнинг олдини олиш учун аввало ота-оналар болаларини рационал овқатлантиришга, болани кун тартибини тўғри тузишга одатланиши керак. Бундан ташқари бола кўпроқ жисмоний ҳаракат қилиши, спорт билан шуғулланиши лозим.

Лиля ГАРИФУЛИНА,
тиббиёт фанлари номзоди,
Зилола ХОЛМУРОДОВА,
тадқиқотчи.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

"EVEREST STANDART"

масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога «AGROKIMYOHIMOYA» ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларининг 2019 йил 16 февралдаги умумий йиғилиши 19-сонли баённига асосан «AGROKIMYOHIMOYA» ҳудудий акциядорлик жамияти бошқарувининг 2019 йил 21 февралдаги йиғилиш баённомаси ва жамиятнинг 2019 йил 18 мартдаги буюртманомасига асосан 2019 йил 19 апрель, 6, 22 май, 10 июнь ва 2019 йил 16 сентябрь, 16 октябрь, 11, 26 ноябрь, 17 ва 27 декабрь кунлари ўтказилган очиқ аукцион савдоларида сотилмай қолган, «AGROKIMYOHIMOYA» ҳудудий акциядорлик жамиятига қарашли бўлган Паст Дарғом тумани К.Шарипов маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 7238,3 кв.м., умумий қурилиш тагидаги майдони 1314,76 кв.м., фойдали майдони 1238,51 кв.м.ни ташкил этган 7-сонли "Б.Кумаков" минерал ўғит тарқатиш шоҳобчаси бинолари (0001 литер маъмурий бино, 0002 литер омборхона, 0003 литер омборхона) (ер майдонисиз) жамият кузатув кенгашининг 2019 йил 25 июлда ўтказилган мажлиси 55-сонли баённомаси қарори ҳамда жамиятнинг 2020 йил 27 январдаги 01-04/35-сонли буюртманомасига 220 471 300,0 сўм бошланғич баҳода дастлабки нархидан 30 фоиз арзонлаштирилган ҳолда такроран савдога қўйилмоқда.

Савдо 2020 йилнинг 17 февраль куни соат 11:00 да савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда - Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 112-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртмалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2020 йил 14 февраль куни соат 18:00 гача.

Юқорида кўрсатилган мулклар 2020 йил 17 феврал куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда мазкур мулклар юзасидан такрорий аукцион савдолар 2020 йил 2 ва 16 март кунлари соат 11:00 да Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси 112-уйда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин соат 18:00 да (13:00 дан 14:00 гача тушлик) тўхтатилади. Такрорий аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Ушбу мулк ҳамда унга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин. Мулк сотувчисининг манзили: Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси, 153-уй.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдо натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади. Савдо натижасига кўра савдо ғолибига 10 кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда шартнома шартларига кўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар савдога қўйилган мулклар бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "EVEREST STANDART" МЧЖнинг АТБ "Туронбанк" Самарқанд филиалидаги 20208000804455614001 (МФО: 00282, СТИР: 205825127) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 112-уй ва Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси, 153-уй.

Телефонлар: +99893-356-38-44, +99893-349-05-71.

Расмий сайтимиз: www.e-standart.uz,

электрон почта манзили: e_standart@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Тадбиркорлар диққатига!

ҲАР ҚАНДАЙ ТУРДАГИ РЕКЛАМА ВОСИТАЛАРИНИ НОҚОНУНИЙ ЖОЙЛАШТИРГАНЛИК УЧУН ЧОРА КЎРИЛАДИ

Реклама бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш, республика аҳоли пунктлари қиёфасини яхшилаш, шунингдек, ташқи реклама соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августда "Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Қарорнинг тегишли бандларида ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқини бериш бўйича шартномалар тузиш туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан амалга оширилиши, бундан ташқари, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини бериш "Е-ижро аукцион" ягона электрон савдо майдончасида очиқ электрон аукционлар орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда вилоятимиздаги тадбиркорлар кўчаларда, бинонинг ён қисми, том қисми, бекатларда ишлаб чиқарган маҳсулотларини, хизматларини ўзлари хоҳлагандай реклама қилмоқда. Аслида ташқи рекламалар туман ва шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, тегишли рухсатномаларни олиб, тўловни амалга оширгандан сўнг жойлаштирилиши лозим.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли рухсатнома олмасдан ҳар қандай турдаги реклама воситаларини жойлаштирганлик учун хўжалик юритувчи субъектларга амалдаги қонунчиликка асосан тегишли тартибда чоралар қўлланилишини маълум қиламиз.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОШҚАРМАСИНИНГ РЕКЛАМА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЛИМИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Ургут туман «Ягона дарча» марказидан 2016 йил 25 январда 04212 реестр рақами билан рўйхатга олинган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "URGUT AGRO SILVER" агрофирмаси (қисқартирилган номи: МЧЖ "URGUT AGRO SILVER" АФ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Агрофирманинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Ургут тумани Боғишамол маҳалласи, Деҳқонобод кўчаси.

Агрофирманинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 303750402.

* * *

Оқдарё туманидаги «UBEK INTEGRAL" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305204026) ўз устав фондини 787 320 000 (етти юз саксон етти миллион уч юз йигирма минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Оқдарё тумани Р.Ҳамраев массиви.

* * *

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2016 йил 8 январда 22575 реестр рақами билан рўйхатга олинган Кулматов Кахрамон Наимджанович якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Кулматов Кахрамон Наимджанович ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 28 январдаги 2-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Хўжағунжойиш маҳалласи.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 445662130.

* * *

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2012 йил 30 мартда 8671 реестр рақами билан рўйхатга олинган «KUMUSH BARAKA SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «KUMUSH BARAKA SERVIS» МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 29 январдаги 5-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Хўжағунжойиш-2 маҳалласи.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 302254552.

* * *

Тойлоқ туман давлат хизматлари марказидан 2019 йил 1 мартда 693584 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RAVOT TOMORQA XIZMAT SERVIS" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "RAVOT TOMORQA XIZMAT SERVIS" МЧЖ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Равот қишлоғи.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306194696.

* * *

Иштихон туманидаги «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 200743573) ўз устав фондини 1 000 000 000 (бир миллиард) сўмдан 682 864 000 (олти юз саксон икки миллион саккиз юз олтмиш тўрт минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Иштихон шаҳри Муқумий кўчаси, 5-уй.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «APPOLON MED SERVICE» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305875846) ўз номини «MED-EXPERT» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. «MED-EXPERT» масъулияти чекланган жамияти «APPOLON MED SERVICE» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри А.Набиев кўчаси, 6-уй.

* * *

Самарқанд туман 3-сон давлат нотариал идорасида марҳум Салимов Джумабойга (2019 йил 27 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд туман 3-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ қишлоғи.

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Галимов Анвар Хадиулловичга (2008 йил 16 августда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Ахроров Тоштемир Раззоковичга (2018 йил 10 февралда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида марҳум Раджабов Муртазага (1981 йил 9 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Ураков Уктам Эргашевичга (2017 йил 19 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

* * *

Каттақўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Зикиров Дилшод Раббимовичга (2019 йил 2 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Кадан қўрғони, Алишер Навоий кўчаси.

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Қувандиқов Холбайга (2016 йил 27 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежидан 2003 йилда Хамракулова Шахноза Хазраткуловна номига берилган рўйхат рақами 61, К № 028295 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жиззах вилояти Ғаллаорол тиббиёт коллежидан 2008 йилда Исматова Дилором Зокиржоновна номига берилган рўйхат рақами 5501, К № 632637 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Қиржигитов Одилжон Олимжон ўғли номига берилган U № 4847106 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Гулобод ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидан 2009 йилда Вохидова Нилуфар Тоҳировна номига берилган рўйхат рақами 0457, К № 1470803 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Пайариқ туман инспекциясининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Туракулова Шахноза Муротовна номига берилган O'R-A № 1080619 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 40-ўрта мактабдан 1997 йилда Кобилов Фарҳод Абдусаматович номига берилган O'R-A № 005483 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаро Даврон-зода Гавҳарга қарашли Самарқанд шаҳри Ўрикзор маҳалласи Буюк Ипак йўли кўчаси, 129-уй, 27-хонадоннинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2012 йилда Киямова Дилфуза Шарифовна номига берилган рўйхат рақами 1220, В № 633268 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент кимё технология институтидан 2014 йилда Киямова Дилфуза Шарифовна номига берилган рўйхат рақами 040/м, М № 075994 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон шаҳар 11-ИДУМ жамоаси мактаб директори Озода Салимовага укаси **Давронжон САЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

МАЪРИФАТ БУЛОҒИ МАКТАБДИР

Лойиҳа мукаммал бўлсин

Менда фикр бор

Мамлакатимизда яқинда бўлиб ўтган сайловлар, унинг асосида ташкил топган янги парламент, янги ижодий куч ҳамда янги қонунлар олиб келади, албатта. Уларнинг аниқ ва мукаммаллиги, асослантирилганлиги, пишиқлиги эса жамиятимизга янада уюшқоқлик, тартиб-интизом, тинчлик-осойишталик, ижтимоий, адолат мезонларини бағишлайди. Лекин бу – қонунлар қанча кўп бўлса, шунча яхши, дегани эмас. «Давлатда қонунларнинг кўплиги, - деб ёзади буюк файласуф олим Ф.Вольтер, - бамисоли табибларнинг кўплигига ўхшайди, табибларнинг кўплиги эса касаллик ва ожизлик белгисидир». Бундай ҳолда уларнинг сифати, амалда қўлланилиши, самарадорлиги каби жиҳатлари ҳам юзага чиқиши мумкин.

Таълим олиш ҳуқуқи инсониятга берилган буюк неъматлардан биридир. У республикамизнинг турли даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида аниқлаштирилган, тартибга солинган. Жамиятимиз ва давлатимиз ҳам бу борада ғамхўрликни кучайтирмоқда. «Таълим тўғрисида»ги 1992 ва 1997 йиллардаги қонунлар асосида Таълим кодекси ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Ҳозирда «Ўқитувчининг ҳуқуқий мақоми» тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Бинобарин, ЮНЕСКОнинг таҳлилига кўра, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган миллий фаровонлик даражасига меҳнатга лаёқатли аҳолининг 40-60 фоизи олий маълумотли бўлишга эришган давлатларгина етишишлари мумкин.

Шу йўналишдаги яна бир қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни 197^5 -моддаси билан тўлдириш таклиф қилиняпти. Унда «Таълим муассасасининг педагогик ходими касбий фаолиятига ноқонуний аралашиш ёки унинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш» учун маъмурий жавобгарлик – жарима қўлланилиши назарда тутилган. Шундай ҳаракатлар бир йил мобайнида такроран содир этилганда эса, энг кам иш ҳақининг 7-10 бараваригача, мансабдор шахсларга 10-15 бараваригача жарима солиш назарда тутилган. Шундай ҳуқуқбузарликка маъмурий-ҳуқуқий чорани белгиланишининг ўзи ижобий ҳолат, чунки бу олий таълим тизимида ҳам учраб турадиган ҳаракатдир. Мен мазкур лойиҳа бўйича мулоҳаза билдирмоқчиман.

Биринчидан, лойиҳада икки ҳаракат: педагогик ходимнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашиш, хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш назарда тутилмоқда. Аммо таклиф қилинаётган моддада келтирилган ҳаракатлар диспозитив белгилари, яъни қайси ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизликлар) орқали аралашиш, тўсқинлик қилиш ҳолатлари кўрсатилмаган. Бу уни амалиётда қўллаш вақтида ноаниқлик, баҳс, низоза, норозиликларга олиб келиши мумкин, деб ўйлайман. Масалан, олий таълим ўқитувчисига ўтилмаган дарс учун баҳо қўйиб беришни буюриш, талаб қилиш, шу талаб ёки буйруқни бажармаганлиги учун ўқитувчи мутахассислиги бўлган дарсларни тугатиш, қисқартириш ёки бирор нарсани баҳона қилиб ҳайфсан эълон қилиш, ишлаб турган кафедрасини тугатиш, ўқитувчини таъмагирликда айблаш, курсни ўзлаштирмаган талабага 4-5 мартагача рухсат бериб, охири бошқа ОТМга олиб бориб кўчиртириб «топширди» дейиш, саводсиз ёзилган буйруқ ва қайдномаларни бажаришдан бош тортганлиги учун ота-оналарини зимдан чақиртириб, ўқитувчига пўписа қилишлари, аралашишлари, ёзма ишини кўрмасдан норозилик билдириб айблашлари, шундай ҳолларда камчиликни тўғриламасдан, умуман ушбу соҳа, фан мутахассиси бўлмаган ўқитувчига «баҳо қўйдириб олиш»лар ушбу модданинг диспозитив белгиларига (назарда тутилган ҳолатлари) кирадими, йўқми?

Иккинчидан, киритилаётган янги моддани қўллаш бўйича ёки янги йўриқ хати, алоҳида кўрсатма қабул қилинадими? Муассаса таълим инспекцияси фақат маъмуриятни қўлласа, ушбу чорани ким, қайси комиссия ёки идора қандай ҳолатларда қўллайди? Чунки Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 8 декабрда сўзлаган нутқида «Ўйлайманки, қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалиётидан воз кечиш ва тўғридан-тўғри қўлланиладиган қонунлар вақти келди», деган сўзлари айнан шундай ҳолатларга тааллуқлидир, деб ҳисоблаймиз.

Зиёдулла МУҚИМОВ,
СамДУ профессори.

Бўйим 170 сантиметр, айбим нима?

Сарлавҳани ўқиб ҳайратланаётгандирсиз. Аммо... Яқинда автобусда кетаётиб, талаба қизларнинг ўзаро суҳбати қулоғимга чалинди:

- Бугун яна меҳмон келди. Кеча дарсга роса тайёрлангандим. Икки соат меҳмонларни кутиш учун вокзалда қолиб кетдик. Ҳайронман, мендан бошқа қиз йўқми?

- Сенинг қоматинг ва бўйинг учун атай танлаб олишган. Бўлмаса гуруҳимизда қиз камми?

- Бўйим 170 сантиметр бўлса, айб мендами? Бу дарслардан қолиш дегани эмас-ку?

Қизлар суҳбатлаша туриб, 2-3 бекатдан сўнг тушиб қолишди.

Бугун бу каби ҳолат нафақат талаба-ю ўқувчи-қизлар орасида, балки ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокама бўлмоқда. Қишнинг совуқ кунида беш дақиқа ташқарида енгил либосларда туриш ҳар қандай кишининг саломатлигига жиддий таъсир қилишини яхши биламиз. Аслида меҳмон келганда пешвоз чиқиш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос анъана. Аммо айрим мутасаддилар меҳмонларни кутиб олиш маросимларига қизларни жалб этаётганида бу каби масалаларни эътиборга олмаяпти. Хўш, аслида бу жараёнга кимлар жалб этилади?

ЎҚИШМИ ЁКИ ТАДБИР?..

- Айтишларича, бўйим, ташқи кўринишим барча талабларга мос келар экан, - дейди олий ўқув юртининг 3-курсида таҳсил олаётган талабалардан бири. – Биринчи курсдан буён аксарият тадбирларга, меҳмонларни кутиб олиш маросимларига чақиришади. Тўғри, агар бир-икки бор бўлса, малол келмайди. Аммо бу ҳол тез-тез такрорланса, ҳақли эътирозни келтириб чиқаради. Дарслардан қолганимиз етмагандек, уларни қайта ишлаш ҳам ортиқча ташвиш.

ҚИЗЛАР ТЎРТ ФАСЛГА МОС КИЙИНТИРИЛАДИ

Вилоят маданият бошқармасидан саволга жавоб излаганимизда, бу каби ишлар Самарқанд шаҳар маданият бўлими томонидан ташкил этилиши, улар фақат техника билан таъминлашини айтишди.

- Меҳмонларни кутиб олиш учун маданият бўлимимиз қошида алоҳида қизлар жамоаси шакллантирилмаган ,- дейди шаҳар маданият бўлими раҳбари Рита Маҳмудова. – Бу каби тадбирларга қизларни хотин-қизлар қўмитаси ҳамда олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар билан ҳамкорликда танлаб оламиз. Қизларнинг бўйи 168-170 сантиметр бўлиши, табиий гўзаллиги, сочининг узунлиги, кўркам кўриниши асосий талаб ҳисобланади. Меҳмонларнинг келишига, фонга қараб қизларнинг сонини белгилаймиз. Мисол учун, 100 нафар меҳмонга 20 нафар қиз эҳтиром кўрсатади. Улар учун тўрт фаслга мос кийимлар тиктирганмиз. Ёз учун енгилроқ, қиш фасли учун қалинроқ махсус либослар тайёрланади. Уларнинг саломатлиги доимий назоратимизда.

ҲАР БИР ТАЛАБАНИНГ БИЛИМ ОЛИШИГА ТАЪЛИМ ДАРГОҲИ МАСЪУЛ

- Бир йилдан буён ҳеч бир талабамизни меҳмонларни кутиб олиш маросимларига юбормаймиз, - дейди СамДЧТИ ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Отабек Ғайбуллаев. - Талаба олий таълим даргоҳига қадам қўйдими, унга биз масъулмиз. Бизнинг вазифамиз уларга билим бериб келажакда етук кадр қилиб тайёрлаш. Кутиб олиш маросимлари ёки байрам тадбирларига қизларимизнинг доимий чиқарилиши айрим ота-оналарнинг эътирозига сабаб бўлди. Шунингдек, қолдирилган дарслар учун мавзуларни қайта ўзлаштириш талабаларимизга бир мунча қийинчилик туғдирди. Маданият бўлимлари қошида қизлардан таркиб топган доимий гуруҳ ташкил этилса, яхши бўларди. Самарқанд туризм шаҳри. Сўнгги йилларда жуда кўп нуфузли меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Менимча, маданият бўлими бунга алоҳида масала сифатида ёндашиши керак. Уларнинг ишини соатбай қилиб ташкил этса ҳам бўлади. Ахир вилоятимизда уларнинг талабига мос, иш излаб юрган қизлар кам эмас.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА ёзиб олди.

Спорт хабарлари

Жиу житсу – кучни енгадиган жанг санъати

Вилоятимизда жиу житсу спорт тури билан шуғулланиш 2017 йилда бошланди ва вилоят жиу житсу федерацияси ташкил этилди.

Ҳозирги кунда дунё бўйича оммалашиб бораётган аралаш жанг санъати (ММА) нинг асоси бўлган жиу житсу яккакурашлар ичида энг самараликси, деб эътироф этилади. Чунки жиу житсу жанг санъати техникаси орқали ҳаттоки ўзидан кучли инсонни мағлуб этиш мумкин. Шу боис бу спорт тури вилоятимизда йилдан-йилга ривожланмоқда.

Ана шу ишлар самараси ўлароқ, жанг санъатлари бўйича мутахассис Суннат Нарзиқуловнинг "Джиу Джитсу – техника побеждает силу" (Жиу Житсу – кучни енгадиган техника) номли китоби нашрдан чиқди.

Китоб услубий қўлланма сифатида чиқарилган бўлиб, унда жиу житсунинг пайдо бўлиш тарихи, йўналишлари, ҳозирги давр ҳолати ва бошқа яккакураш турларидан фарқли равишда устун жиҳатлари ҳақида кенг маълумот берилган.

Энди Самарқандда ҳам регби оммавий спортга айланади

Тойлоқ болалар-ўсмирлар спорт мактабида регбини оммалаштиришга бағишланган кўргазмали амалий семинар ҳамда регби бўйича вилоят очиқ биринчилиги ўтказилди.

Семинарда тойлоқликлардан ташқари Нуробод, Иштихон, Ургут, Жомбой, Паст Дарғом, Каттақўрғон туманлари ёш спортчилари қатнашди.

Ўзбекистон регби федерацияси ижрочи директори Р.Самиев ушбу спорт турининг оммавийлигини ошириш ҳамда жамоаларни шакллантириб, республика ва халқаро мусобақаларга тайёрлаш хусусида сўз юритди. Регбининг барча қоидаларини кўргазмали тарзда тушунтириб берди.

Сўнгра вилоят очиқ биринчилиги мусобақасига старт берилди. Унда Нуробод тумани регбичилари жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тойлоқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳамда Паст Дарғом тумани жамоасига насиб этди.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

Мумтоз адабиётимизда қаноат, тўй ва маъракаларда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик мавзуси етакчилик қилиб келган. Ўша даврда ёзилган асарлар ҳозирги замонамизга ҳам мос келади. Қурби етмаган кишилар қарзга ботиб, дабдабали тўйлар қилаётгани, охир-оқибат ишлаш учун хориж-га кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Буюк мутафаккир, шоир Алишер Навоий ижодида ҳам ушбу мавзуга кенг ўрин берилган.

Дабдабали тўйлар азалий муаммоми?

"Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр"да "Қаноат бобидаким..." деб бошланувчи еттинчи мақолат бунга мисол бўла олади. Мақолатда Навоий қаноатни яхши инсоний фазилат сифатида мақташ билан бир қаторда қаноат қилмаган сабрсиз кишилар образини ҳам яратади. Улар ўзларини бошқалардан ажратиб кўрсатмоқ мақсадида ортиқча сарфу харажатларга йўл қўядилар. Фақат моддий жиҳатдан ўзига тинч бўлган кишиларгина бундай ортиқча сарф-харажат қилиш уддасидан чиқа олади.

Ошиға ким солса зийнат иш
Зардагу шалғам киби олтун-кумуш.
Барча нахуд ўрнига дурри хушоб,
Реза чуғиндир ериға лаъли ноб.

Лайлакка тақлид қилган чумчуқ сингари бой-бадавлат кишиларга тақлид қилиб, маърака бериш билан ўзини кўрсатмоқчи бўлган оч-юпун кишиларнинг ҳоли эса бундай харажатлардан кейин қандай бўлиши ўз-ўзидан маълум. Навоий шундай тоифага мансуб кишиларнинг устидан заҳархандалик билан кулади.

Сарф ёнида чиқарур хошасин,
Рахш хиромида сурар лошасин.
Киймак учун эгнига топмас палос,
Элга тилар, берса мунаққаш либос.

Бугунги тўй-маъракаларнинг ҳам кимўзарга бўлиб ўтаётгани, баъзи кишиларнинг бойларга тақлид қилиб, емай-ичмай тўплаган пулларини бир кунда сарф қилаётгани ачинарли ҳол. Ушбу мавзу ҳозирги кеча-кундузда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Яхшиям, ушбу муаммо парламент томонидан кенг муҳокама қилиниб, жорий йилнинг январь ойидан тўй-маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги қарор кучга кирди. Энди дабдабали тўйлар қилишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, ҳар хил қўшимча расм-русумлар ҳам тақиқланади. Агар ушбу масала ҳукумат томонидан узил-кесил муҳокама қилинмаганида, тўйлардаги ортиқча сарф-харажатлар ошса ошардики, асло камаймасди. Киши онгли равишда ўз ҳолини билмас экан, ўз оёғига ўзи болта ураверади. Ҳазрат Навоий айтганларидек, кўрпасига қараб оёқ узатмаган киши эл ичида кулгига қолади.

Салимжон ХИДИРНАЗАРОВ,
навоийшунос, филология фанлари номзоди, доцент.



Таниқли ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нусрат Раҳматнинг «Жадид» (Беҳбудийга бахшида ҳикоялар) асари (Тошкент шаҳри, «Noshirlik yog'dusi» нашриёти) нашрдан чиқди.

Беҳбудийга бахшида ҳикоялар

Янги китоб

Аллома ва адиб Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллигига бағишлаб чоп этилган мазкур роман Туркистон жадидчилик ҳаракати ва жадидларнинг маърифатпарварлик ғояси, халқ онгига миллий руҳ, маънавиятни сингдиришдаги ҳаракати қаламга олингани билан ҳам эътиборли.

- Қўлингиздаги асар анъанавий қисса ёки роман жанрига унчалик мос келмаслигини тан олишим керак, - дейди муаллиф. - Аммо бугун Ғарбнинг номдор ёзувчилари эски қолипларни бузиб, саргузаштлар, афсоналар, детективлар, публицистикага йўғрилган асарлар ёзишаётганини ҳам эътибордан четда қолдириш ўринли бўлмас. Муҳими, бу асар, ундаги ҳикоялар Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир китобхон учун қадрли. Чунки биз жадидлар ҳаётини чуқур билмаймиз, улардан ибрат олишга жазм этмаймиз. Бугунги мустақилликнинг тамал тошини жадидлар қўйганлигини ёшларга уқтирмаймиз.

Роман фақат Беҳбудий ёки жадидлар ҳақидагина эмас, маориф ва маънавият учун жонини тикканлар, тамаддуни баланд ёки ночор бўлганлар, улар орасидаги тафовутлар, зиддиятлар ҳақида ҳамдир. Асарда 1868 йилда Самарқанднинг чор аскарлари томонидан ваҳшиёна босиб олиниши, 1917 йилда Туркистон мухториятини хоқу туроб қилинишини Нусрат Раҳмат биринчи бор бадиий ноталарда тасвирлаб берган.

Асарни ўқир экансиз, беихтиёр ХХ аср бошидаги ҳаёт кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шу билан бирга жадидлар авлодининг бугунги ҳаёти "Номаълум одам монологи"да баланд маҳорат билан чизилади. Уларнинг тақдири сизни бефарқ қолдирмайди.

Акрам БЎРИЕВ.

"Мактаб дунёдаги бинолар ичида энг қадрлиси ва муқаддасидир"

Шайх Нажмиддин Кубродан "Муҳаббатнинг қаноти баландми, маърифатнингми?" деб сўрашганида "Маърифатнинг қаноти кўп баланд" деб жавоб берган экан. Маърифат булоғи эса мактабдир. Кейинги йилларда таълимга эътибор ошди, ўқитувчиларга ғамхўрлик кучайди. Атрофимизда ўқитувчи бўламан деган ёшлар кун сайин ортиб бормоқда. Маоши камлигидан тижорат соҳасига ўтиб кетган эркак ўқитувчиларнинг деярли кўпчилиги бугун яна мактабга қайтмоқда. Чунки шароитлар яхшиланди, ўқитувчининг маоши ҳам, мақоми ҳам оширилди.

"Зарафшон" газетаси ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилинган махсус саҳифада халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Усмоновнинг "Масъулият ҳам, тизим ҳам замонга мос бўлсин" номли суҳбати эълон қилинибди. Мақолада тизимдаги янгиланишлар, муаммолар, ўйланган янги режалар ҳақида фикр юритилган. Мактаб ҳаётида йиллар давомида йиғилиб қолган камчиликлар қайд этилган. Унда вилоят мактабларининг рейтинги республикада нисбатан паст кўрсаткичларда экани тилга олинган.

Шунингдек, вилоятда муайян фан бўйича тажриба тўплаган 395 та мактаб таянч мактаблар сифатида белгиланган, у ерда ҳар ойда туман ёки шаҳар мактаблари фан ўқитувчиларининг ўзаро тажриба алмашинуви йўлга қўйилгани, мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида олий таълим профессор-ўқитувчилари маҳорат дарсларини ўтказиб бориши бизга қанот бағишлади. Келажакда дарсларда қатнашиб, маҳоратини ошириш, касбининг устаси бўлишни ният қилганлар жамоамизда анча-мунча.

Саҳифадаги мактаб ҳаётига оид бошқа мақолаларни ўқиб, жадид боболаримизнинг маърифат тарқатувчи "Оина" газетаси эсимизга келди. Илму ҳидоят бонги бўлган мазкур газетанинг илк сонларида улар шундай ёзишган эди: "Мактаб дунёдаги бинолар ичида энг қадрлиси ва муқаддасидир".

Марат ТОШТЕМИРОВ,
Иштихон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби директори.
Муҳаббат ТЎХТАШЕВА,
мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК
© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги
Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 202 нусхада чоп этилди. Буюртма 71
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.
Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Нашр люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.
Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙИТОВ.
Навбатчи: Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.
Сотуада нархи келишилган ҳолда
ISSN-201667X
9 772010 667009